

Акбарали Сабирдинов

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА
ОЙБЕК ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ**



Тошкент - 2015

Масъул муҳаррир: - Н.Каримов, Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби, филология фанлари доктори,
профессор.

Такризчилар: - Й.Солижонов, филология фанлари
доктори

- Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори

- Г.Қирғизова, ФарДУ қошидаги 3-сонли
АЛ она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Мазкур услубий кўрсатмада академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида улуғ адиб, ҳассос шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳаёти ва ижодига хос бетакрор жиҳатларни янгича талаблар асосида ўргатиш усуллари ҳақида маълумотлар берилади.

Услубий кўрсатма она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ушбу услубий кўрсатма Фарғона давлат университети илмий кенгашининг 2013 йил 29 ноябрдаги 3-йиғилишида нашрга тавсия этилган.

Ойбек таваллудининг 110 йиллигига бағишланади.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим соҳасида тубдан янгиланишларни амалга ошириш, рақобатбардош кадрларни етиштириш, бунинг учун аввало таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган. Бу борада мамлакатимизда кейинги йилларда улкан ишлар амалга оширилди. Таълим соҳасидаги ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун академик лицей ва касб-хунар коллежлари адабиёт фани ўқитувчилари олдида машғулотларда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг сифат ва самарадорлигини муттасил ошириш, илғор педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш кўникмаларини шакллантира боришдек муҳим вазифалар юклатилган.

Улуғ адиб, ҳассос туйғулар куйчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзбек халқининг бадиий тараққиётида муҳим из қолдирган, улкан адабий мероси билан салмоқли ҳисса қўшган бетакрор сиймодир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, фавқулодда меҳнатсевар ижодкор Ойбек улкан прозаик, йирик шоир ва драматург, сермахсул публицист ва таржимон, билимдон адабиётшунос ва танқидчи сифатида ижод қилди.

Президентимиз И.А.Каримов тўғри таъкидлаганларидек “Агар биз Ўзбекистоннимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк яратувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”. – Т., “Маънавият”, 2008. –Б. 140.). Ана шу улкан вазифани

базаришда Ойбек асарлари маҳорат манбаи вазифасини базариши шубҳасиздир.

Ойбек асарларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганиш умумтаълим мактабларидан бирмунча фарқланади. Чунки узлуксиз таълим тизимининг бу босқичлари етук касб-ҳунар соҳибларини тайёрлаш билан бирга олий таълим учун билимли, иқтидорли талабаларни етказиб беришни ҳам асосий мақсад қилиб қўйган.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида серқирра ижодкор Ойбек ҳаёти ва асарларини ўргатиш, ўқитувчидан чуқур билим, кўникма, меҳнат ҳамда изланишларни талаб этади. Шунингдек, у улуғ адибнинг ҳаёт йўли, фаолиятини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиши, миллий адабиётимиз ривожига муҳим ўрнини асарларини чуқур таҳлил этиш орқали ёритиб бериши керак бўлади.

Мазкур услубий кўрсатма академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчининг сермахсул ҳамда ҳассос ижодкор Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек асарларини янгича қараш ва талаблар асосида ўргатишларига кўмак бериш мақсадида яратилди. Илк тажриба маҳсули бўлган мазкур китоб, табиийки, тўлдирилиш ва тузатилиши керак бўлган ўринлардан ҳам ҳоли эмас. Муаллиф сиз зукко китобхонлардан олдиндан билдиражак қимматли таклиф-мулоҳазалар учун миннатдорчилик изҳор этгани ҳолда улкан ҳамда беназир истеъдод соҳиби Ойбек адабий меросини ўқувчилар онгига сингдиришдек долзарб вазифани базаришда кўмакчи бўлиб қолишига умид билдиради.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ОЙБЕК ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Академик лицейларнинг адабиёт фанидан ўқув дастурида Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун 3 соат ажратилган бўлиб, ўқитувчи дарснинг 1-соатини Ойбек ҳаётининг фаолияти, 2-соатини Ойбек адабий мероси, 3-соатини “Навоий” романини ўрганиш учун ажратиши мақсадга мувофиқдир. Улуғ ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган 1-соатни қуйидаги режа асосида ташкил этиши мумкин:

1. Ойбекнинг таржимаи ҳоли
2. Ойбек фаолияти
3. Ойбекнинг илк ижоди.

Ўқитувчи Ойбекнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларни қуйидаги кўргазмани воситада тақдим этиши яхши самаралар беради:

Ойбекнинг таржимаи ҳоли

- 1905 йил 10 январда Мусомуҳаммад Тошмуҳаммад ўғли Ойбек Тошкентда ҳунарманд-тўқувчи оиласида туғилди.
- 1911-1917 йилларда эски усулдаги мактабда таҳсил олди.
- 1918-1921 йилларда янги Намуна мактабда таълим олди.
- 1921-1925 йилларда Навоий номи Тошкент педагогик техникум-интернатда ўқишни давом эттирди.
- 1925 йилда Ўрта Осиё Давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимига ўқишга кирди.
- 1927 йилда Санкт-Петербург (собиқ Ленинград)даги Плеханов номи Халқ хўжалик институтида ўқишни давом эттирди.

- 1929-1930 йилларда таҳсилни яна Тошкентда давом эттириб, Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультетини тамомлади.
- 1951 йил 16 апрелда Ойбекнинг узоқ давом этган оғир хасталик даври бошланди.
- 1968 йил 1 июлда Ойбек вафот этди.

Янги мавзунини ўқишдан илгари ўқувчиларнинг Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ўрта мактабда олган билимларининг қандай эканини қуйидаги саволлар воситасида билиб олиш мумкин:

1. Ойбекнинг асл исм-шарифини биласизми?
2. У қандай шеърлар ёзган?
3. Ойбекнинг қандай прозаик асарлари бор?
4. У қандай дostonлар ёзган?
5. Ойбек қайси йилларда яшаб ижод этди?
6. У жаҳон адабиётининг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

Ойбек фаолиятига бағишланган кўғазмали воситани қуйидагича тайёрлаш мумкин:

Ойбек фаолияти

- 1930-1935 йилларда Ойбек Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультетида сиёсий-иқтисод фанидан дарс берди.
- 1933 йилда Ойбек педагогик фаолият билан бир қаторда Маданий қурилиш илмий текшириш институтида илмий ҳодим бўлиб ишлади.
- 1934-1937 йилларда у Ўзбекистон Фанлар Комитети қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида илмий ҳодим бўлиб ишлади.

- 1942 йил 6 декабридан 1943 йил мартигача Ойбек 2-ўзбек бадиий бригадаси таркибида II-жаҳон уруши фронтларида бўлди.
- 1943 йил 4 ноябрда Ойбек Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича академиги этиб сайланди.
- 1943-1951 йилларда у Ўзбекистон Фанлар академияси Гуманитар бўлимининг раиси лавозимида хизмат қилди.
- 1945-1949 йилларда Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Бутуниттифок Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири вазифаларини бажарди.

Ойбекнинг илк ижоди эса кўргазмада қуйидагича тақдим этилади:

Ойбекнинг илк ижоди

- 1921-1922 йилларда Ойбек шеър машқ қила бошлайди. Навоий номли Тошкент педагогик техникум-интернатнинг “Шарқ тонги” номли деворий газетасида Ойбекнинг “Қиш” сарлавҳали биринчи шеъри босилади (Бу шеър бизгача етиб келмаган).
- 1922 йилда “Армуғон” журналининг 1-сонидан унинг бизгача етиб келган биринчи шеъри – “Чолғу товуши” эълон қилинди.
- 1926 йилда Ойбекнинг “Туйғулар” номли биринчи шеърлар китоби босмадан чиқди.
- 1929 йилда унинг “Кўнгил найлари” номли иккинчи шеърлар тўплами нашр этилди.
- 1932 йилда Ойбекнинг “Машъала” номли учинчи китоби нашр қилинди.

- 1934 йилда “Машъал” журналининг 4-сонида Ойбекнинг “Глобус” сарлавҳали биринчи ҳикояси эълон қилинди.
- 1933 йилда Ойбекнинг “Дилбар – давр қизи” достони алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Ўқитувчи Ойбек адабий меросига бағишланган иккинчи дарсни қуйидаги режа асосида ташкил этса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ойбек шеърлари ва дostonлари.
2. Ойбек ҳикоя ва қиссалари.
3. Унинг романчиликдаги маҳорати.
4. Илмий мероси, таржималари.

Ойбек адабий мероси асосида қуйидагича кўргазмани тайёрлаш мумкин:

Ойбекнинг адабий мероси

1. Ойбекнинг айрим шеърлари: “Чолғу товуши” (1922), “Кеча туйғуси” (1924), “Ишчига” (1925), “Кўклам хислари” (1934), “Прометей” (1936), “Абадият ва умр”, “Тоғ сайри” (1936), “Қуёш кўшиғи” (1937), “Қорахат” (1941), “Тун. Шамоллар кезар бетиним...” (1942), “Боболарим отлар сурган чексиз дашт бу...” (1943), “Ҳастамен... Фикрга, ҳисларга тўлиб...” (1959), “Қамровчи тўлқин бор, қамровчи гирдоб...” (1960), “Қалдироқ, яшин ва жалалардан сўнг...” (1968).

2. Ойбек дostonлари: “Дилбар – давр қизи” (1932), “Ўч” (1932), “Чўпон кўшиғи” (1933), “Темирчи Жўра” (1934), “Бахтигул ва Сағиндик” (1934), “Ўрознинг бахти” (1934), “Қаҳрамон қиз” (1936), “Гулноз” (1937), “Навоий” (1937), “Камончи” (1937), “Маҳмуд Таробий” (1943), “Қизлар” (1947), “Ҳамза” (1948), “Зафар ва Захро” (1950), “Ҳақгўйлар” (1952), “Бобом” (1937-1955), “Даврим жароҳати” (1965), “Тули ва Навоий” (1968).

3. Ойбек хикоялари: “Гулнор опа” (1930), “Фанорчи ота” (1930), “Мусича” (1930), “Синган умид” (1930), “Тиллатопар” (1930), “Глобус” (1934), “Ўйин учун ўқ” (1943), “Мискин болалар” (1958), “Қонли бармоқлар” (1962).

4. Ойбек қиссалари: “Нур қидириб” (1958), “Болалик хотираларим” (1959), “Алишернинг ёшлиги” (1975).

5. Ойбек романлари: “Қутлуғ қон” (1938), “Навоий” (1942), “Олтин водийдан шабодалар” (1949), “Қуёш қораймас” (1959), “Улуғ йўл” (1965).

6. Ойбек таржималари: “Антик адабиёти хрестоматияси”нинг 2-жилди (Рим адабиёти), “Довуд Сосунли” эпоси, Г.Гейненинг лирик шеърлари, И.А.Крилов масаллари, А.С.Пушкин “Евгений Онегин” шеърӣ романи, М.Ю.Лермонтовнинг “Маскарад” пьесаси, И.И.Козлов, В.Г.Белинский, А.М.Горький, А.А.Ахматова, А.Т.Твордовский, К.И.Чуковский, В.А.Линка асарларини ва ҳ.к.

“Навоий” романини ўрганишга бағишланган учинчи соатда ўқитувчи ўқувчиларга Ойбек деярли қирқ йил давомида ҳам XX аср ўзбек адабиёти, ҳам ўзбек мумтоз адабиёти соҳасида юксак савиядаги илмий тадқиқот ишлари олиб борганлиги ҳақидаги маълумотлар беради. Ойбек ўз тадқиқотларида Маҳмуд Қошғарийдан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғузӣ, Хоразмӣ, Дурбек, Атоӣ, Саккокий, Лутфӣ; Бобурдан тортиб Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб, Мунис, Нодира, Навоӣ, Маҳзуна; Гулханийдан тортиб Махмур, Муқимӣ, Фурқат, Завқӣлар ижодини таҳлил этади.

Ҳар бир ёзувчининг ягона устози бўлади. Навоӣ Ойбек учун туганмас манба хазинасини тортиқ этган устоз бўлди. Ойбек Навоӣ ижодини 1928 йилдан ўргана бошлаган. Бу даҳо ижодкор ҳақидаги сўнгги мақоласини 1968 йилда эълон эттирди. Профессор Е.Э.Бертельс мақолаларининг бирида “Агар мен Ойбек билан танишмаганимда, Навоӣ ҳақидаги фирқларидан баҳраманд бўлмаганимда бу улуғ шоир ҳақидаги

тадқиқотларини яратишим маҳол эди” дегани маълум. Ана шу тинимсиз илмий изланишлари ва бадиий тафаккурининг синтези сифатида “Навоий” романи майдонга келди. Ёзувчи “Романни уруш йили, қиш фаслида совуқ хонада жинчироқнинг титроқ шуъласида ёзганман. Бу романни 1942 йилда тамомладим. У 1944 йилда ўзбек тилида, 1945 йили рус тилида босилиб чиқди” дея ёзади. Сўнг роман лотин, литва, эстон, чех, словак, поляк, француз, козок, украин, уйғур, туркман, хитой тилларида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Асар 1945 йил учун 1-даражали давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ойбек “Навоий” романини қандай ёздим” номли мақоласида қуйидагиларни эътироф этади: “... Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, ҳуқ-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романнинг иш плани қоғозда йўқ эди. У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлиғимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор ақлли кўзлари, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим”.

Ўқитувчи академик лицей ўқувчиларига Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақидаги бир соатлик дарсни қуйидаги режа асосида ташкил этиши мумкин:

1. “Навоий” романининг яратилиш тарихи.
2. Романдаги асосий қаҳрамон ва персонажлар.
3. Романда акс этган тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима.
4. Роман бадиияти, тил хусусиятлари.

Адиб 1938-1939 йилларда Навоий ҳақидаги романни ўз хаёлида пиширтиб, уни ёзишни бошлаган. Аммо асарнинг биринчи бобини тугатиб, ундан қаноат ҳосил қилмаган Ойбек роман устида олиб бораётган ишни

тўхтатган. Қоралама автограф вариантдан маълум бўлишича ёзувчи мазкур романни 1940 йил 6 январдан қайтадан ёза бошлаган. Асарни ўқир эканмиз унда XV асрдаги Хуросон пойтахти, сарой муҳити, турли хил касб эгалари реалистик ифодасини топганлигини кўрамиз. Романда уч юздан ортиқ персонажлар қайд этилган. Улар зиддиятларга тўла давр картинаси, хилма-хил характерлар талкинида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, романда Ҳиротнинг гавжум бозоридан қатор расталаригача, турли табақа кишиларидан сарой амалдорларининг бетакрор қиёфаларигача, Бойқаро саройининг ҳашамдор безакларидан ҳар бир дарахтигача жонли тасвирландики, гўё ёзувчи вақт деворини бузиб XV асрга бориб яшаб кўргандек таассурот уйғотади. Айниқса, ёзувчи тарихий шахслар ўртасидаги муносабатлар тасвирида ҳаққонийликни сақлашга интилади. Бу ҳақда Ойбек қуйидагиларни ёзади: “Масалан, фарз қилайлик – Навоий ва Бойқаро масаласи. Буларнинг образлари, ўзаро муносабатлари, фарқлари катта, кенг, мураккаб ва ғоят қарама-қаршидир... Романда тарихий воқеаларни тўғри берганман, лекин баъзан ҳаёлга ҳам оз-моз ҳуқуқ бериб қўйганман... Олайлик Навоий ва Жомий. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий тўғри бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳаққоний реал воқеалардир. Лекин бу воқеалар тарихий материалларда хира кўринади”. Айниқса, XV аср ўзбек тилининг бойлиги, таъсирчан ифодаларини, гўзаллиги ва ҳуснини Навоий нутқи воситасида, турли табақа вакиллари нутқи орқали эса халқнинг маъноли, бой, жонли, ўзига хос тилини кўрсатишга эришди.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ОЙБЕК ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Касб-ҳунар коллежларида Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганишга 2 соат ажратилган. Ўқитувчи дарснинг 1-соатини Ойбек ҳаёти ва адабий меросини, 2-соатини “Навоий” романини ўрганиш учун ажратса, мақсадга мувофиқ бўлади. Дарснинг илк соатини қуйидаги режа асосида ташкил этиш мумкин:

1. Ойбек таржимаи ҳоли ва фаолияти.
2. Ойбек шеърлари ва дostonлари.
3. Ойбек прозаси.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг улуғ ижодкор ҳақидаги билимларини қуйидаги назорат саволлари орқали аниқлаб олади:

1. Ойбек қачон ва қерда таваллуд топган?
2. Ойбекнинг шеърларидан қайсиларини биласиз?
3. Унинг қандай қиссалари бор?
4. Ойбек романлари номини айтинг.
5. Ёзувчи “Навоий” романини қачон ёзган?
6. Ойбек қачон вафот этган?
7. Ўзбекистондаги қайси жойлар Ойбек номи билан аталади?
8. Ойбек асарларидаги қандай жиҳатлар сизга ёқади?

Ойбекнинг “Навоий” романини ўрганиш учун ажратилган иккинчи соатни таҳминан қуйидаги режа асосида ташкиллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. “Навоий” романида акс этган тарихий давр ва қаҳрамонлар тасвири.
2. Романни сюжети ва композицияси.
3. Романдаги портрет ва пейзаж тасвири.
4. “Навоий” романининг тил хусусиятлари.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларига “Навоий” романининг мазмун-моҳиятини тушунтиришда ўқитувчи Алишер Навоийдек даҳоларни етказиб берган Хуросоннинг XV асрдаги ҳолати ҳақида маълумот беришдан бошлайди. Коллеж ўқувчилари дарс жараёнида халқимизнинг илм, хунар ўрганишга бўлган фидойилиги жаҳонни лол қолдирган улкан даҳолар, касб-хунар эгаларини етишиб чиқишига асосий омил бўлганлигини англашлари керак. Бунинг учун ўқитувчи дарсни асарда акс этган илм аҳллари, касб-хунар фидойилари ҳақида маълумот беришдан бошлайди.

Асарнинг илк саҳифасида баҳор ойларидаги Ҳиротнинг “Гавҳаршод” мадрасаси, ундаги толиби илмлар тасвири ўрин олган. Уларнинг ёш жиҳатдан энг каттаси – хужра соҳиби Алоиддин Машҳадий мадрасаларда ўн йиллаб дарс олган. У бирон илмда ўзини ёрқин кўрсата олмаган бўлса-да, лекин шеърнинг турли навларида қалам тебратган. Девон тартиб қилган, “муаммо”да ўзини энг чапдастлардан ҳисоблайди. Иккинчи муллабачча ҳиротлик ўрта ҳос оилага мансуб Зайниддин бўлиб, йигирма-йигирма бир ёшда. У араб ва форс тилларини яхши эгаллаган. Ҳавойи табиатлилиги, зийнатни, хурсандчиликни севиши орқасида таҳсилга қунт қилмаган. Кўпроқ вақтини санъатларга бағишлаган. Мадраса аҳли орасида у ўзини “хусни хати” билан машҳур. Бундан ташқари яхши куйлайди, ғижжакни гўзал чалади. Ҳатто ҳаёли ҳар вақт жаҳонгашталик оламида парвоз этадиган саҳройи Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам илм-фаннинг қадр-қимматини билади. Айниқса, романда олим Султонмурод алоҳида муҳаббат билан батафсил тасвирини топгандир.

Асарда, айниқса, ўзига хос ўжар, дарвештабиат, илм фидойиси кимёгар Абдулаҳад образи бетакрор тасвирини топган. “Унинг катта, юмалоқ бошида кир тақя, эғнида ҳар жойи куйган, турли доғлар билан йилтираган эски жомакар; унинг кўзлари намли, қизарган, салобатли юзига олов ямуғи жилваланади, кўрким соқолининг оқи кир сарғиш тус олган. У эллик беш йиллик умрининг ярмидан кўпини ёлғиз бошига бу

хонада кимё илми машғулотиға бағишлаган эди. Турли моддаларни кизитар, эритар, қўшар, айирар, ўз илми-хунарининг чуқур тилсимларида таажжубланарлик сабр, матонат ва ғайрат билан ишлар эди. Олов ва ҳар нъав моддаларнинг таъсири остида кўзлари заифлашган, кулоқлари қар бўлган эди”. Шунингдек, “ у барча маъданларни икки гуруҳга айирарди. Биринчи гуруҳни “нуқсонли”, “аллатли” моддалар деб атаиди. Бу маъданларнинг табиатидаги “иллат”ни кимё йўли билан суғуриб ташлаб, уларни олий даражага кўтариш, яъни симобдан кумуш, мисдан олтин ясамоқ мумкинлигини шавқ-ҳаяжон билан сўзлайди. У ана шу “иллатли” моддаларни олий даражага кўтармоқ учун “экспир” деган “бир нима” яратишга умрини бағишлаган. Ўқитувчи ўқувчиларга ана шундай илм фидойилари XV аср Хуросонни юксак тараққиётга кўтарганлигини, шунингдек, жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган халқимиз кудратини намоён этганлигини тушунтириши лозим. Шубҳасиз, асарда Алишер Навоий барча илм-хунар аҳлининг ҳомийси, мураббийи, мададкори сифатида тасвирланган. Унинг халқпарварлиги, адолатпарварлиги, ҳақиқат учун толмас курашчилиги, тинчлик ва ободонлаштириш учун фидокорлиги, табиатни асровчи, расм санъати ва боғбонлик сирларидан ҳам яхшигина хабардор, меҳнатсевар, камтар, саховатли шахс эканлиги батафсил ёритилади. Масалан, “Астробод”га ҳаким қилиб жўнатишган чоғдаги Навоий кечинмаларида қуйидагича ифодасини топган: “Шоир мамлакатда “бузуклик” даври бошланганига ҳар куни янги далил ва исботлар кўрди. Нима қилиш керак? Дунёнинг ҳай-ҳуйидан “этак силкиб” фақир ва фано йўлини тутсинми? У дарвешларни севарди. У хонақаларда, тақяларда уя қуриб, халқни талаган “ҳирқапўшлар”га қанчалик нафрат қилса, ўз хаёлида тасаввур этган ва тарихларда нодир учраган ҳақиқий дарвешларга шунчалик муҳаббат туярди. У дарвешликни ҳақиқий ишқи, донолик манбаи деб тушунар эди. Ўқтин-ўқтин кўнгли бу манба қайнаган, аллақандай соф, нур диёрларга қанотланарди. Аммо ватан, халқ тақдири фалокатлар остида қолган

пайтда “гўшанишинлик”ни мақбул кўрмас эди”. Ўқитувчи коллеж талабаларига асар қаҳрамонлари талқини билан боғлиқ юқоридаги каби тасвирларни ўқиб бериши, улардаги буюк аجدодларимизга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтириши лозим.

ОЙБЕКНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ОИД ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Ойбекнинг илк шеърий китоби қайси?

А) “Кўнгил найлари”

*Б) “Туйғулар”

С) “Кўнгил куйлари”

Д) “Машъала”

Е) “Армуғон”

2. Ойбек қачон таваллуд топган?

А) 1906 йил 10 февралда

Б) 1907 йил 10 мартда

*С) 1905 йилда 10 январда

Д) 1908 йил 10 декабрда

Е) 1909 йил 10 ноябрда

3. Ойбекнинг “Дилбар давр қизи” достони қачон алдоҳида китоб ҳолида нашр этилган?

*А) 1933 йил

Б) 1934 йилда

С) 1935 йилда

Д) 1936 йилда

Е) 1937 йилда.

4. Ойбекнинг биринчи ҳикояси қачон ва қандай ном билан босилган?

- *А) 1934 йилда “Глобус”
- Б) 1936 йилда “Тиллатопар”
- С) 1937 йилда “Гулнор опа”
- Д) 1935 йилда “Фонарчи ота”
- Е) 1932 йилда “Синган умид”

5. Ойбекнинг 1940 йилда нашр этилган романи қайси?

- А) “Студентлар”
- Б) “Навоий”
- С) “Улуғ йўл”
- Д) “Олтин воийдан шабадалар”
- *Е) “Қутлуғ қон”

6. 1968 йилда Ойбекнинг қайси достони босилди?

- *А) “Тули ва Навоий”
- Б) “Дилбар – давр қизи”
- С) “Қизлар”
- Д) “Даврим жароҳати”
- Е) “Темирчи Жўра”

7. Тошкент педагогик техникум-интернатнинг “Шарқ тонги” номли деворий газетасида эълон қилинган ва бизгача етиб келмаган Ойбекнинг биринчи шеъри қайси?

- А) “Чолғу товуши”
- *Б) “Қиш”
- С) “Кеча туйғуси”
- Д) “Фарғона оқшоми”
- Е) “Туйғулар”

8. Ойбекнинг 1922 йилда “Армуғон” журналида босилган ва бизгача етиб келган биринчи шеъри қайси?

*А) “Чолғу товуши”

Б) “Қиш”

С) “Кеча туйғуси”

Д) “Фарғона оқшоми”

Е) “Туйғулар”

9. Ойбек достони берилмаган қаторни топинг.

А) “Ўч”

Б) “Даврим жароҳати”

С) “Дилбар – давр қизи”

*Д) “Синган умид”

Е) “Темирчи Жўра”

10. Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романи қачон нашр этилди?

А) 1948 йил

*Б) 1950 йил

С) 1953 йил

Д) 1956 йил

Е) 1960 йил

11. Ойбекнинг узоқ давом этган оғир хасталиги қачондан бошланди?

А) 1949 йил 6 март

Б) 1950 йил 10 июнь

*С) 1951 йил 16 апрель

Д) 1955 йил 5 январь

Е) 1956 йил 8 май

12. Ойбек 1948 йилда қайси достонини ёзиб тугаллади?

А) “Дилбар – давр қизи”

*Б) “Ҳамза”

С) “Даврим жароҳати”

Д) “Ўч”

Е) “Бобур”

13. Ойбекка “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони қачон берилди?

А) 1934 йил 6 августда

Б) 1941 йил 3 июнда

С) 1956 йил 5 сентябрда

*Д) 1965 йил 23 сентябрда

Е) 1950 йил 5 июнда

14. Ойбек А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини қачон ўзбек тилига таржима қилган?

А) 1934 йилда

Б) 1935 йилда

*С) 1936 йилда

Д) 1937 йилда

Е) 1938 йилда

15. Ойбек қачон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди?

А) 1931 йил 3 январда

Б) 1933 йил 1 декабрда

С) 1937 йил 3 сентябрда

Д) 1935 йил 5 августда

*Е) 1934 йил 1 июнда

16. 1947 йилда Ойбекнинг қайси достони нашр этилган?

А) “Дилбар – давр қизи”

Б) “Ҳамза”

С) “Даврим жароҳати”

*Д) “Қизлар”

Е) “Бобур”

17. Ойбек қайси йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультетида ўқиди?

А) 1922-1927 йиллар

*Б) 1925-1930 йиллар

С) 1923-1928 йиллар

Д) 1926-31 йиллар

Е) 1927-1932 йиллар

18. Ойбекнинг иккинчи шеърий китоби “Кўнгил найлари” қачон нашр этилган?

А) 1922 йил

Б) 1927 йил

С) 1928 йил

*Д) 1929 йил

Е) 1930 йил

19. Ойбекнинг 1932 йилда нашр этилган учинчи шеърий китоби қайси?

А) “Кўнгил найлари”

*Б) “Машъала”

С) “Туйғулар”

Д) “Қуёш қўшиғи”

Е) “Кўнгил куйлари”

20. Ойбек қайси йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Гуманитар бўлими раиси лавозимида хизмат қилди?

А) 1941-1948 йилларда

Б) 1942-1947 йилларда

*С) 1943-1951 йилларда

Д) 1944-1951 йилларда

Е) 1950-1954 йилларда

21. Ойбек иккинчи ўзбек бадий бригадаси таркибида қачон II-жаҳон уруши фронтларида бўлди?

А) 1941 йил 6 декабрдан 1942 йил мартига қадар

Б) 1943 йил 5 декабрдан 1944 йил августига қадар

С) 1942 йил январдан 1942 йил мартига қадар

Д) 1944 йил январдан 1944 йил апрелига қадар

*Е) 1942 йил 6 декабрдан 1943 йил мартига қадар

22. Ойбекнинг 1935 йилда нашр этилган монографияси қайси?

А) “Довуд Сосунли эпопеяси”

*Б) “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли”

С) “А.С.Пушкин ҳаёти ва ижоди”

Д) “Усмон Носир ҳаёти ва ижоди”

Е) “Антик давр адабиёти”

23. Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романи қачон нашр этилган?

А) 1949 йил

Б) 1948 йил

С) 1947 йил

*Д) 1950 йил

Е) 1951 йил

24. Ойбекнинг қайси повести 1958 йилда нашр этилган?

А) “Алишернинг ёшлиги”

*Б) “Нур қидириб”

- С) “Болалик”
- Д) “Синган умид”
- Е) “Фонарчи ота”

25. Қайси жавобда Ойбек достони берилмаган?

- А) “Дилбар – давр кизи”
- Б) “Ҳамза”
- С) “Даврим жароҳати”
- *Д) “Тиллатопар”
- Е) “Бобур”

26. Қайси жавобда Ойбек ҳикояси берилмаган?

- А) “Синган умид”
- Б) “Гулнор опа”
- С) “Фонарчи ота”
- *Д) “Камончи”
- Е) “Глобус”

27. Қачон Ойбек Ўзбекистон фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича академиги этиб сайланган?

- А) 1945 йил 6 ноябрда
- Б) 1944 йил 8 ноябрда
- С) 1948 йил 5 декабрда
- *Д) 1943 йил 4 ноябрда
- Е) 1950 йил 8 январда

28. Ойбекнинг 1967 йилда нашр этилган мақолалар тўпламини топинг.

- А) “Буюк ўзбек шоири”
- *Б) “Навоий гулшани”
- С) “Қуёш қўшиғи”

- Д) “Танланган мақолалар”
- Е) “Ўзбек мумтоз адабиёти”

29. Ойбекнинг “Улуғ йўл” романи қачон чоп этилган?

- А) 1967 йил “Шарқ юлдузи” жарналида
- Б) 1968 йилда алоҳида китоб ҳолида
- С) 1972 йилда алоҳида китоб ҳолида
- *Д) А ва Б жавобдагилар
- Е) А ва С жавобдагилар

30. Ойбек қачон “Евгений Онегин” шеърий романи таржимасини қайта ишлади?

- А) 1944 йилда
- *Б) 1949 йилда
- С) 1950 йилда
- Д) 1951 йилда
- Е) 1967 йилда

31. Ойбекнинг 1968 йилда А.Дейч билан ҳамкорликда рус тилида нашр этилган мақолалар тўплами қайси?

- А) “Улуғ рус шоири”
- *Б) “Алишер Навоий”
- С) “Навоий гулшани”
- Д) “Буюк ўзбек шоири”
- Е) “Танланган асарлар”

32. Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий” асари қайси жанрга мансуб?

- А) роман
- Б) шеърий роман
- *С) драматик достон

Д) достон

Е) пьеса

33. 1953 йилда Ойбекнинг қайси асари нашр этилди?

А) “Нур қидириб” повести

Б) “Алишернинг ёшлиги” қиссаси

С) “Улуғ йўл” романи

*Д) “Зафар ва Захро” достони

Е) “Қуёш қораймас” романи

34. 1968 йилда Ойбекнинг қайси асари босилиб чиққан?

А) “Нур қидириб” повести

Б) “Алишернинг ёшлиги” қиссаси

С) “Улуғ йўл” романи

Д) “Покистон таассуротлари” очерки

*Е) “Тули ва Навоий” достони

35. Ойбекнинг “Мукаммал асарлар тўплами” неча жилддан иборат?

А) 15 жилддан

Б) 17 жилддан

С) 19 жилддан

*Д) 20 жилддан

Е) 13 жилддан

36. Ойбек вафот этган сана қайси жавобда тўғри берилган?

А) 1970 йил 1 декабр

Б) 1971 йил 6 сентябр

С) 1963 йил 5 август

*Д) 1968 йил 1 июл

Е) 1965 йил 4 июл

“НАВОИЙ” РОМАНИ БЎЙИЧА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. “Навоий” романи қандай тасвир билан бошланади?

А) Ҳирот бозори тасвири билан

Б) Ироқ чўли тасвири билан

*С) Баҳор пайти, Ҳиротнинг Гавҳаршодбегим” мадрасаси тасвири билан

Д) Куз, Бойқаро саройи тасвири билан

Е) Ҳеч бир жавоб тўғри эмас.

2. “...чаласавод бўлса ҳам, илм-фаннинг кадр-қийматини билади. Талабаларнинг суҳбат ва мунозаралари диққат билан қулоқ солади, лекин бу соҳани ўзи учун бегона ҳисоблайди”. Ушбу тасвир кимга тегишли?

А) Бойқарога

Б) Навоийга

С) Маждуддинга

*Д) Тўғонбекка

Е) Амир Мўғулга

3. Ҳолвафурушлик билан ҳам шуғулланувчи шоирларнинг исми нима?

А) Султон Мурод

Б) Зайнуддин

С) Машхадий

*Д) Таробий

Е) Нурбобо

4. “Ажаб Ҳирот экан!” – деди бошини қимирлатиб... – ҳолвафуруш ҳам шоир, кабобпази ҳам шоир...” Ушбу сўзларни ким айтган?

А) Зайниддин

*Б) Тўғонбек

С) Биноий

Д) Нурбобо

Е) Зайниддин

5. “Онингким ол энгинда менг яратди,

Сочи бирла бўйини тенг яратди”. Ушбу сатрларни ким ёдга олади?

А) Арслонкул

Б) Мажиддин

С) Низомиддин

Д) Навоий

*Е) Тўғонбек

6. Мажиддиннинг хизматкорлари номи қайси қаторда тўғри берилган?

А) Туробжон

Б) Авлиёкул

С) Зайниддин

*Д) Нурбобо

Е) Султонмурод

7. “... барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йигитча эди. Унинг меҳнатда чиниққан қорамтир юзида, жонли, тийран, йирик кўзларида болаларча масъумлик жилваланарди”. Ушбу портрет тасвирида кимнинг қиёфаси акс этган?

А) Тўғонбекнинг

Б) Мўмин Мирзонинг

*С) Арслонқулнинг

Д) Шохрух Мирзонинг

Е) Бойқаронинг

8. Қайси қаторда XIV-XV асарларда деҳқонлардан йиғиладиган солиқлар тўғри берилган?

- А) “Қўш” пули
- Б) “Соҳибжам”
- С) “Мироб”
- Д) “Софож”
- *Е) Барча қаторларда

9. Симобдан кумуш, мисдан олтин ясамоқни ният қилган кимёгарнинг исмини топинг.

- А) Султонмаҳмуд
- *Б) Абдулахад
- С) Фазлиддин
- Д) Нурбобо
- Е) Хўжа Абдулло

10. Ҳусайн Бойқаронинг кўриқчиси номини топинг.

- А) Бўдана
- Б) Дўлана
- С) Нурбек
- *Д) А ва Б жавоблар.
- Е) Ҳеч бир жавоб тўғри эмас.

11. “... етти отаси жаллод, етти онаси ялмоғиз ўтган” деб таъриф қилувчилар ҳақли эдилар. Улар ваҳший кучнинг жонли тимсоли – мужжасами бўлиб, ёлғиз исмларини эшитишгина кишиларни зир титратарди. Подшоҳ сирли, қонли ишларни улар орқали бажарарди”. Ушбу таърифда кимлар тасвирланган.

- А) Низомиддин, Мажиддин
- Б) Абдувоҳид, Тўғонбек
- *С) Бўрдана, Дўлана
- Д) А ва Б жавобдагилар

Е) Ҳеч бир жавоб тўғри эмас.

12. “Бир соатлик тафаккур бир йиллик тоатдан афзал”. Ушбу сўзларни ким айтади?

А) Ҳусайн Бойқаро

Б) Жомий

Д) Дехлавий

С) Мажиддин

*Е) Навоий

13. Қайси бек Алишер Навоийдан олдин муҳр босмоққа ҳақли эди?

А) Муҳаммад бурундуқ барлос

Б) Зулнум Арғун

С) Сайидбадриддин

*Д) Музаффар барлос

Е) Ислон барлес

14. Қайси жавобларда устоз ва шогирдлар исми берилган?

А) Мирак Наққош

Б) Навоий

С) Камолиддин Беҳзод

*Д) А ва С жавоблар

С) А ва Б жавоблар

15. “Шоҳ боласига юрт ва сипоқ, дарвеш боласига масжидду хонақоҳ керак”. Ушбу сўзларни ким айтади?

А) Навоий

Б) Ҳадичабегим

*С) Мажиддин

Д) Ҳусайн Бойқаро

Е) Нурбобо

16. “Мадҳ алё бегим” унвони кимга тегишли?

А) Дилдорбегимга

Б) Зебузарбегимга

С) Давлатбегимга

*Д) Ҳадичабегимга

Е) Султонхонбегимга

17. Арслонқул ва Дилдор фарзандининг исми қайси?

А) Мохиғул

*Б) Ойниса

С) Зебузар

Д) Зубайда

Е) Моҳинур

18. Музаффар Мирзонинг мажлисида ҳовуздан шароб ичганликларини айтган шахс ким?

А) Мажиддин

*Б) Тўғонбек

С) Фасихиддин

Д) Султонали

Е) Зайниддин

19. Ўзаро зиддиятда бўлмаган шахслар берилган қаторни топинг.

А) Навоий – Мажиддин

*Б) Султонмурод – Зайниддин

С) Султонмурод – Шахобиддин

Д) Бадуззамон – Бойқаро

Е) Музаффар Мирзо – Мўмин Мирзо

20. Султонмуродга асар ёздириб, ўзини номидан подшога тақдим этмоқчи бўлган шахс ким?

А) Мавлоно Фосиҳиддин

Б) Зайниддин

С) Низомиддин

*Д) Шаҳобиддин

Е) Амир Мўғил

21. Султонмурод кимнинг фармойиши билан мадрасада таҳсил беришдан маҳрум этилади?

А) Мажиддиннинг

Б) Бойқаронинг

С) Ҳадичабегимнинг

*Д) Шайхулисламнинг

Е) Шаҳобиддиннинг

22. Дилдор ҳанжар урган кўрикчининг исми қайси жавобда берилган?

А) Мизураб

Б) Абдулхайр

*С) Оллоёр

Д) Давлат

Е) Нор

23. Ҳарамдаги Дилдор севгилиси Арслонқул ҳақидаги хабарни қандай билади?

А) фолбин чолдан

*Б) фолбин кампирдан

С) Давлатбахтдан

Д) хат орқали

Е) айғоқчидан

24. Сарой табибининг исмини топинг.

*А) Абдулхайр

Б) Мизраб

С) Оллоёр

Д) Чалабий

Е) Маҳмуд

25. “Итнинг оғзи теккан билан дарё суви ифлос бўлмайди” деган сўзлар ким айтган?

А) Тўғонбек

*Б) Зайниддин

С) Султонмурод

Д) Арслонкул

Е) Навоий

26. Арслонкул Дилдорни зиндондан қутқариш учун нимани таклиф этади?

А) Тўғонбекка арз қилмоқни

Б) Тунда зиндонга ҳужум қилмоқни

С) Ҳусайн Бойқарога арз қилмоқни

Д) Навоийга арз қилмоқни

*Е) Б ва Д жавобдагилар.

27. “Бечора ошиқ работларда оз қўнди. Девдай югурган қурбон қидирган қонли йиртқичдай увуллаган саҳро бўронларида, тунларда ҳам йўл босди”. Ушбу тасвир кимники?

А) Тўғонбекнинг

Б) Султонмуроднинг

- С) Зайниддиннинг
- *Д) Арслонкулнинг
- Е) Навоийнинг

28. “Навкарлар одамларни суриб, қонли иш учун жой ҳозирлай бошладиларнинг ҳам манҳус сиймоси кўриниб қолди”. Нуқталар ўрнига мос исмни қўйинг.

- А) Тўғонбек
- *Б) Жаллод
- С) Арслонкул
- Д) Вазир
- Е) Мажиддин

29. Навоий мулозими Хўжа Ҳасанга қандай топшириқ беради?

- *А) Мусича тухум очгандан кейин чодирни йиғиштиргин
- Б) Жомийга куллийтни етказиб беришни
- С) Ҳусайн Бойқаро борлиги хабар етказилиш
- Д) Ёдгор Мирзо ҳақида хабар олиб келиниши

30. Навоий қурдирган бинолар қайси қаторда тўғри берилган?

- А) мадраса ва хонақоҳ бинолари “Ихлосия”
- Б) касалхона ва ҳаммом “Шифоия”
- С) дўстлари ва мулозимлари яшаши учун солдирилган бино кутубхона “Унсия”
- Д) А ва Б жавоблари тўғри
- *Е) А, Б, С жавоблари тўғри

31. Мажиддин Ҳусайн Бойқаро томонидан бош вазир этиб тайинланишига қайси воқеа сабаб бўлади?

- А) Подшога оқ от инъом этиш

- Б) Унинг ободончилигидаги хизматлари учун
- С) Икки юз туманни подшоҳ хазинасига тақдим этгач
- *Д) Икки минг туманни подшоҳ хазинасига тақдим этгач
- Е) Унинг Ҳадичабегимга хизматлари учун

32. “Муътамадул салтанат ва муъмлетанул мамлакат” (“Подшоҳлик ва мамлакатнинг ишончи одам – таянчи”) деган унвонга ким сазовор бўлади?

- А) Навоий
- Б) Бадиуззамон
- *С) Мажиддин
- Д) Хўжа Афзал
- Е) Музаффар Мирзо

33. “Хиротда шундай шоирлар борки, улар кўча ва бозорларда ўткинчиларни тўхтатиб, ўз ғазалларини ўқиб берадилар” деган сўзларни ким айтган?

- А) Навоий
- *Б) Лутфий
- С) Султонмурод
- Д) Тўғонбек
- Е) Мажиддин

34. “Қасам тангригаким , агар имкон бўлса эди, мен ўзимнинг форс ва туркийда айтган ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмашар эдим, ҳам айни замонда ўзимни улуғ мақсадга эришган деб ҳисоблар эдим”. Ушбу сўзларни ким айтган?

- А) Навоий
- *Б) Лутфий
- С) Султонмурод

- Д) Тўғонбек
- Е) Маждиддин

35. Ҳиротни тарк этиб Макка сафарига отланган амалдорни топинг.

- А) Навоий
- Б) Маждиддин
- *С) Ҳўжа Афзал
- Д) Низомиддин
- Е) Ҳайдар

36. Ким маблағ олиш эвазига китоб ёзиб беришни илтимос қилади?

- А) Маждиддин
- Б) Султонмурод
- *С) Шаҳобиддин
- Д) Низомиддин
- Е) Арслонқул

37. “Сўз тери эмаски, кафшдўздек сув пуркаб, чайнаб торта берсанг...” деган сўзларни ким айтган?

- А) Навоий
- Б) Жомий
- С) Шаҳобиддин
- *Д) Тўғонбек
- Е) Маждиддин

38. Султонмурод кимнинг иғвоси билан мадрасада дарс беришдан четлатилади?

- А) Маждиддиннинг
- *Б) Шаҳобиддиннинг
- С) Бадиуззамон

- Д) Бойқаронинг
- Е) Низомиддин

39. Сарой бош табиатининг исмини топинг.

- А) Бобоали
- Б) Туробжон
- С) Муборак
- *Д) Абдулхай
- Е) Тангриберди.

40. “Тақсир, бизнинг шаҳримизнинг хусусиятларидан бери шуки, - деди у кулиб – бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавосини кўриш мумкин!” Юқоридаги шаҳар қайси?

- А) Ҳирот
- Б) Ироқ
- С) Тафт
- *Д) Астробод
- Е) Самарқанд

41. – “Балли! – деди Навоий боши билан тасдиқлаб, - бу шаҳарда бир кун бир йил билан баробардир!” Ушбу шаҳар қайси?

- А) Ҳирот
- Б) Тафт
- *С) Астробод
- Д) Ироқ
- Е) Самарқанд

42. “Онингким ол энгинда менг яратди,

Сочи бирла бўйини тенг яратди”. Ушбу сатрлардаги тасвир кимга нисбатан қўлланилган?

- А) Ҳадичабегим
- Б) Зухрабегим
- С) Давлатбахт
- *Д) Дилдор
- Е) Зубайда

43. "... нинг бобоси Шохрух Мирзо замонида жаллод эди. Бошларни чўрт узиш, қаторлаштириб дорга осиш, қўл, оёқ, бурун, тил кесиш каби қонли даҳшатли ишларни қандай усталик билан бажарганлиги, айниқса, тери шилиш, пўстига сомон тикишда маҳорати баланд эканини ўз отасидан, Абду Саид Мирза давридаги зиндон посбонидан, болаликда кўп марта эшитган эди". Нуқталар ўрнига мос исмни топинг.

- А) Шайх Баҳлул
- Б) Тўғонбек
- С) Маждиддин
- *Д) Абдусамад
- Е) Низомиддин

44. Маждиддиннинг қадрдон жосуси исмини топинг.

- А) Абдусамад
- *Б) Пир Ҳожи Баковул
- С) Шахобиддин
- Д) Шайх Баҳлул
- Е) Ҳайдар

45. Навоийни заҳарламоқчи бўлган ошпаз Абдусамаднинг тақдири қандай яқунланади?

- А) дорга тортилади
- Б) боши кесилади

С) зиндонга тортилади

*Д) жарликдаги қонга беланган бошсиз танаси топилади

Е) бадарға қилинади

46. “Уйланмоқ учун балоғатга етмоқ керак, тож киймоқ учун балоғат шарт эмас. Юрт сўрамоқ ишида ёш подшоҳга ишбилармон, сиёсатда тадбирли, ҳар бир ишида тажрибали бир етакчи бўлса бас” деган сўзларни ким айтади?

А) Маждиддин

Б) Низомиддин

*С) Тўғонбек

Д) Шаҳобиддин

Е) Ҳадичабегим

47. “Бек йигит, қазо ва қадарнинг бир инсофсизлиги шуки, ё уни ё мени адамга ҳайдамайди” деган сўзларни ким айтган?

А) Навоий

*Б) Биноий

С) Маждиддин

Д) Низомиддин

Е) Ҳайдар

48. “Завқи салим аҳлига туркий сўз тикандек туюлади” деган сўзларни ким айтган?

А) Навоий

Б) Биноий

С) Низомиддин

*Д) Мавлоно Шаҳобиддин

Е) Маждиддин

49. “Вафосизлик қадар қабих бадниятлик йўқдир” деган сўзларни ким айтган?

- А) Маждиддин
- *Б) Низомиддин
- С) Навоий
- Д) Биноий
- Е) Бойқаро

50. “Соатни қачон битқазасиз? Сиз учун ваъда, сўз деган мафҳумларнинг қиммати борми?” дея Навоий кимга мурожаат қилади?

- А) Ҳўжа Афзалга
- Б) Султонмуродга
- С) Ҳайдарга
- *Д) Мирак Наққошга
- Е) Биноийга

51. Дарвешели исён кўтарганда Ҳусайн Бойқародан тутиб келтиришга ижозат сўраган шахс ким?

- А) Низомиддин
- *Б) Дехдор
- С) Маждиддин
- Д) Ҳайдар
- Е) Амир Музаффар

52. Дарвешали қандай талаб билан исён кўтаради?

- А) Низомиддинни вазирликдан бўшатишни талаб этиб
- Б) Подшони тахтдан туширишни талаб этиб
- *С) Маждиддинни вазирликдан бўшатишни талаб этиб
- Д) Музаффар Мирзони тахтдан туширишни талаб этиб

Е) Тўғонбекни зиндонга ташлашни талаб этиб

53. “Балх ҳокими сифатида мени қамашингиз керак!” деган сўзларни Дарвешали кимга айтади?

А) Маждиддин

Б) Ҳайдарга

С) Низомиддинг

Д) Бадиуззамонга

*Е) Навоийга

54. Ҳусайн Бойқаро қачон Дарвешалини қамоққа олишга буюради?

А) Навоий билан жанжаллашиб қолгач

Б) Дарвешали исён кўтаргач

С) Бойқаро Султон маҳмудга қарши жангга отланганда

Д) Маждиддин қистови билан

*Е) Б ва С жавобдагилар тўғри.

55. “Алишер юраги тоза одам эди” деган иқдор кимга тегишли?

А) Низомиддинники

*Б) Маждиддинники

С) Бойқароники

Д) Тўғонбекники

Е) Шаҳобиддинники

56. Маждиддин кимнинг хиёнати билан бор мол-мулкидан ажрайди?

*А) Низомиддиннинг

Б) Ҳайдарнинг

С) Бойқаронинг

Д) Тўғонбекнинг

Е) Музаффар Мирзонинг

57. Мол-мулкидан ажраган Маждиддиннинг тақдири қандай яқунланади?

- А) зиндонга солинади
- Б) дорга тортилади
- С) сургун қилинади
- *Д) Ҳаж сафарига кетади
- Е) паст мансабга эришади

58. Жомийнинг ўғли исми қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Маҳмуд
- Б) Умаршайх
- С) Нодир Мирзо
- Д) Умар Сайфуддин
- *Е) Зиёиддин Юсуф

59. Гиёсиддин Муҳаммаднинг таҳаллуси қайси?

- А) Бобоали
- Б) Мирак Наққош
- *С) Хондамир
- Д) Мирхонд
- Е) Мир Муртоз

60. “Шерандом бўйлик подшоҳ букун қариб букилган, от ўйнатиб мардона қилич чопадиган забардаст қўллар энди қалтирайди” Ҳусайн Бойқаронинг ушбу ҳолати қачон юзага келди?

- А) Султон Маҳмуд ғолиб бўлганди
- *Б) Бадиуззамон унга қарши қўзғалон кўтарганди
- С) Навоий вафот этганди
- Д) Мўмин Мирзо ўлдирилганди

Е) Мажиддин ҳажга кетганда

61. “Нозик табиатли, ширин сўз, назокат ва таъзимни жуда жойига туширадиган” йигитни топинг.

А) Ҳайдар

Б) Тўғонбек

С) Султонмурод

*Д) Камолиддин Ҳусайн

Е) Маҳмуд

62. “... жанг майдонини узоқдан томоша қилган эса ҳам, ўзини майдон эрларидан ҳисоблайдиган” йигит ким?

*А) Амидалмулк

Б) Камолиддин Ҳусайн

С) Султонмурод

Д) Бобоали

Е) Маҳмуд

63. Мўмин Мирзони ким асирга олади?

А) Музаффар Мирзо

Б) Муҳаммад Бурундук

*С) Тўғонбек

Д) Шоҳ Шокирбек

Е) Зулнун Арғунбек

64. “Бу – чўлтоқ супургидай кўримсиз соқолли, ҳаракатлари сушт одамнинг кўзлари қаттиқ ва ёмон эди”. Ушбу тасвир кимники?

А) Тўғонбекнинг

Б) Амр Ободийнинг

С) Музаффар Мирзонинг

- *Д) Зиндон бошлиғининг
- Е) Муҳаммад Бурундуқнинг

65. Мўмин Мирзонинг ўлдириш ҳақидаги подшоҳнинг фармонини зиндонбонга ким олиб боради?

- А) Музаффар Мирзо
- *Б) Тўғонбек
- С) Амир Барос
- Д) Амир Музаффар
- Е) Кенжабек

66. Мўмин Мирзо қатл этилганда Алишер Навоий қаерда эди?

- А) Ҳиротда
- Б) Астробод
- *С) Машҳадда
- Д) Тусда
- Е) Ироқда

67. Ким Ҳиротга юриш қилганида шаҳар мудофааси билан Алишер Навоий шуғулланади?

- А) Муҳаммад Муҳсин Мирзо
- Б) Музаффар Мирзо
- С) Амир Музаффар
- *Д) Бадиуззамон
- Е) Кенжабек

68. Зайниддиннинг тақдири қандай якун топади?

- А) Зиндонга солинади
- Б) қатл этилади
- С) сургун қилинади

*Д) шаҳар ҳимоясида яраланиб вафот этади

Е) амалдор бўлади

69. Тўғонбекнинг тақдири қандай якун топади?

А) зиндонбанд этилади

Б) дорга тортилади

С) Бадиуззамон томонидан боши кесилади

Д) Абдумухсин Мирзо томонига ўтиб жанг қилади

*Е) Арслонкул билан яккама-якка курашиб ўлдирилади

70. “Навоий” романи неча бобдан иборат?

А) 41 бобдан

Б) 43 бобдан

*С) 37 бобдан

Д) 39 бобдан

Е) 38 бобдан

71. Мавлоно Шаҳобиддиннинг тақдири қандай якунланади?

А) Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан зиндонга ташланади

Б) Ҳаж сафарига кетади

*С) Музаффар Мирзога жосуслик қилгани учун Бадиуззамон буйруғи билан дорга тортилади

Д) Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан қозилик мансабига тайинланади

Е) Низомиддин билан бирга қатл этилади

72. “Мен тигим билан, сиз ўз қаламингиз билан халққа, юртга хизмат қилайлик!” дея Арслонкул кимга мурожаат қилади?

А) Зайниддинга

Б) Беҳзодга

С) Хондамирга

*Д) Султонмуродга

Е) Дилдорга

“НАВОИЙ” РОМАНИДА ҚЎЛЛАНГАН ЖОЙ НОМЛАРИ

“Сартоғ ўлани”

“Соқилмон”

“Ўғроқ”

“Маймана”

“Тус”

“Ҳирот”

“Наратоғ”

“Боғи зоғон”

“Бадғис”

“Жуздук чашмаси”

“Пилпаён”

“Дарвозаи қипчоқ”

“Ўланг нишин”

“Астробод”

“Қундуз”

“Ихтиёриддин қалъаси”

“Бинафша боғ”

“НАВОИЙ” РОМАНИДАГИ БАЪЗИ СЎЗЛАР ЛУҒАТИ

Садоғ – камон ўқи солинадиган чарм халта;

Ҳировул – олдинги қисмдаги сараланган қўшин;

Жиронғор – қўшиннинг ўнг томони;

Биронғор – қўшиннинг сўл томони;

Мунажжим – юлдузларга қараб фол очувчи;

Вўлда – қўшиннинг ўрта қисми;

Ўрдугоҳ – қўшин тўхташ жойи;

Дорилсалтанат – пойтахт;

Авбошлар – бозорчилар;

Ҳакими ҳозик – билимдон, уста табиб;

Суюрғ – подшоҳ томонидан тортиқ қилинган ерлар;

Чағир – май;

Бақаламун – ўзгарувчан;

Валинеъмат – ҳимоя қилувчи, ҳайр-эҳсонли киши;
Исқорлот – қимматбаҳо мато;
Молатаъламун – ўқимасданок кўзи билан орттирган, катта олим;
Ҳарам – подшоҳнинг хотинлари ва сарой хонимлари яшайдиган бино;
Шулан – катта зиёфат;
Мубошир – солиқ йиғувчи, амалдор;
Менг – хол;
“ушр”, “қўш пули”, “соҳиб жам”, “мироб”, “сорона” – XV асрдаги солиқ турлари;
Пешдор – олдинда боровчи, илғор;
Худкамлик – ёлғиз ўз манфаатини кўзлаш, ўзинигина севиш;
Русумат жанг – уруш қоидалари, йўллари;
Санг борон – тош бўрон;
Ҳакими ҳозиқ – билимдон, уста табиб;
Ақли солим – соғлом ақл;
Фармони ҳумоюн – подшоҳ фармони;
Работ – карвонсарой;
Муҳтасиб – диний ишлар маъмури;
Барқи суръат – чақмоқдай тез;
Навозиш – нозик муомала, гўзал илтифот;
Меҳтарбод Ялда – “Жангнома” қаҳрамони, афсонавий жосус;
Каман Кайёни – афсонавий ғоят моҳир жосус;
Садр – вақф ва диний ишларни бошқарувчи маъмур;
Гунчачи – подшоҳ никоҳида бўлмаган сарой хонимлари;
Сад – қўрғон, девор, қалъа;
Доруға – бошлиқ;
Валиаҳд – меросхўр шаҳзода;
Дарёи Шўр – Каспий денгиз;
Ғуруб – кун ботиш;

Муқарриб – яқин одам, ҳамсухбат;

Баковул – ошпаз, дастурхончи .


НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ойбек қачон ва қаерда таваллуд топган?
2. Ойбек қаерларда таълим олган?
3. Ойбекнинг исм-шарифини биласизми?
4. Ойбек қачон Ўзбекистон ФА академиги қилиб сайланди?
5. Ойбекнинг қандай ҳикояларини биласиз?
6. Ойбекнинг қандай шеърий тўпламлари бор?
7. Ойбекнинг қандай романлари чоп этилган?
8. Ойбек дostonлари ҳақида маълумот беринг.
9. Ойбек қайси асарларни ўзбек тилига таржима қилган?
10. Ойбек қачон иккинчи жаҳон уруши фронтларида бўлди?
11. Ойбекнинг чет эл сафарлари ҳақида нималар биласиз?
12. Ойбекнинг қандай драматик dostonи бор?
13. “Навоий” романи қачон нашр қилинди?
14. Ёзувчи “Навоий” романи учун қандай мукофот билан тақдирланди?
15. Ойбекнинг оғир хасталик йиллари ёзган асарлари ҳақида маълумот беринг.
16. Ойбекнинг илк романи қачон ва қандай ном билан босилган?
17. Ойбекнинг сўнгги романи қандай ном билан қачон босилган?
18. Ойбекнинг илк шеъри қандай ном билан аталган?
19. Ойбек ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган асари қайси?
20. Ойбек “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” фахрий унвони билан қачон тақдирланди?
21. Ойбекнинг қандай қиссалари бор?
22. Республикамизда Ойбек номини абадийлаштириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилган?

23. Ойбекнинг буюк мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган қандай асарларини биласиз?
24. Ойбекнинг 1967 йилда қандай мақолалар тўплами нашр этилган?
25. Ойбекнинг чет эл халқлари ҳаётига оид қандай асарларини биласиз?
26. Ойбекнинг тугалланмай қолган асарлари ҳақида нималар биласиз?
27. Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳақида қайси олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганликлари?
28. “Ойбегим менинг” китоби муаллифи ким?
29. Ойбекнинг иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги романи қайси?
30. Ойбек қачон вафот этган?

ОЙБЕКНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИНИ КЎРСАТУВЧИ ЖАДВАЛЛАР

1-шакл




2-шакл




ТЕЗКОР СЎРОВЛАР:

1. Ойбек адабий мероси ҳақида нималар биласиз?
2. Ойбек таржимаи ҳоли ҳақида сўзланг.
3. Ойбек прозаик асарлари ҳақида маълумот беринг.



4-шакл





5-шакл

ПИРАМИДА




“Нима учун?” Органайзер.



Т – СХЕМАСИ

НАВОИЙ	МАЖДИДДИН
Халқпарвар	Худбин, манфаатпараст
Одил	Адолатсиз
Покиза хулқли	Маишатпараст
Ҳақиқатпараст	Риёкор
Мамлакат бирлиги учун	Мамлакатни
курашувчи	парокандаликка олиб
	келувчи
Золимларни жазоловчи	Золимларни ғимоячиси

ВЕНН диаграммаси



- муҳаббатга садоқатли;
- деҳқон;
- меҳрли;
- адолатпарвар;
- халқпарвар;
- меҳнасевар.

- қатъиятли;
- қўркмас;
- мақсадига собит.

- муҳаббатдан йироқ
- жангчи;
- қаҳри қаттиқ;
- мансабпараст;
- манфаатпараст;
- маишатпараст.

Х У Л О С А

Мустақиллик йилларида маданий ва адабий меросимиз, жумладан, XX аср ўзбек адабиёти намояндалари ижоди янгича қарашлар асосида ўрганила бошланди. Ойбек ва у мансуб бўлган авлод ижодкорлари асарлари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий шароити, адабий муҳити билан боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда, ҳолис баҳоси берилмоқда. Шунингдек, ҳозирда ҳар бир дарснинг сифат ва салмоғини ошириш, илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш, ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини муттасил ўстириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, ушбу янгича ёндашувлар улкан салоҳиятли ёш авлод – юртимиз ворисларини етиштиришда ўз натижаларини намоён этмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг мустақил юртимизга, буюк аجدодларимизга бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ўстиришда Ойбек асарларидан самарали фойдаланиш, турли таҳлил методлари орқали серқирра истеъдод соҳиби ижоди микроструктурасига кира билиш кўникмаларини шакллантириш нафақат уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, балки мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ҳам ёрдам беради. Ўқитувчи дарс жараёнида Ойбек асарлари мазмун-моҳиятини ёзувчи феномени билан боғлиқликда ёритар экан, XX аср ўзбек адабиёти вакиллари ижодини шўро даврининг қатағон сиёсати билан уйғунликда қиёсий таҳлилга тортиши ёш авлодни мустақиллигимизнинг аҳамиятини янада чуқур англашларига кўмаклашади.

Таълим муассасалари ходимлари, педагог-ўқитувчилар олдида юртимиз ворислари – етук ёш авлодни тарбиялашдек долзарб вазифа турибди. Бетакрор истеъдод соҳиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек адабий ва илмий мероси бу борада муҳим манба вазифасини бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Т., 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Т., 1997.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., 2009.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., “Маънавият”, 2008.
5. Миллатни уйғотган адиб (Ойбек таваллудининг 100 йиллигига). –Т., Университет, 2005.
6. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Т., Фан, 1969.
7. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т., Шарқ, 2006.
8. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек (Библиография). – Т., 2002.
9. Каримов Н. Ойбек. Т., Ёш гвардия, 1985.
10. Каримов Н. Ойбек гулшанида қолган ғунчалар. – Т., Фан, 1985.
11. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. – Т., Ўзбекистон, 2009.
12. Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. Т., Мумтоз сўз, 2013
13. Ойбек. Адабиёт тўғрисида. – Т., Фан, 1985.
14. Ойбек замондошлари хотирасида. – Т., Адабиёт ва санъат, 1979.
15. Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти (Илмий конференция маърузалари тезислари). – Т., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, 2005.
16. Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати (Мақолалар тўплами). – Т., Фан, 1985.
17. Ойбек ижодий методи ва замонавийлиги . – Т., Адабиёт ва санъат, 1985.

18. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Т., Фан, 1979.
19. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том. – Т., Фан, 1979.
20. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. – Т., Фан, 1979.
21. Ойбек. Навоий гулшани (Навоий ҳақида мақолалар). – Т., Фан, 1979.
22. Ойбек. Фотоальбом (тузувчилар: Ў.Ёрмуҳаммедов, Ш.Ризаев) Т., Ёш гвардия, 1985.
23. Саидносирова З. Ойбегим менинг. – Т., Шарқ, 1994.
24. Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Т., Фан, 1973.
25. Султонова М. Пейзаж санъати. – Т., Фан, 1983.
26. Ёқубов Ҳ. Адибнинг маҳорати. – Т., Фан, 1966.
27. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Т., Бадиий адабиёт, 1965.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
Академик лицейларда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	5
Касб-ҳунар коллежларида Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	12
Ойбек ҳаёти ва ижодига оид тест топшириқлари.....	15
“Навоий” романи бўйича тест топшириқлари.....	24
“Навоий” романида қўлланган жой номлари ва баъзи сўзлар луғати.....	43
Назорат саволлари.....	45
Жадваллар.....	46
Хулоса.....	52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	53

